




**ВОДИЙ ЖАВОХИРИГА ТАШРИФ**  
Президент Шавкат Мирзиёев 2 февраль кун Фаргона вилоятида бўлиб, худудда амалга оширилган йирик лойиҳалар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди.

**НАМАНГАН ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ**



Давлатимиз раҳбари 3 февраль кун худудлар иқтисодий, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Наманган вилоятида бўлди.

**ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА**



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация аъзолари Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи дастури доирасида «Ваҳат Ал Карам» ёдгорлик мажмуаси ва «Шайх Зоид» масжидида бўлдilar.

**ЯНГИ НИЗОМ ТАСДИҚЛАНДИ**



Вазирлар Мақамаси томонидан «Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарор қабул қилинди.

**СИРДАРЁДА КҮЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ**



«Сирдарё» ИЭСда қуввати 1,3 МВт бўлган кўёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Мазкур станция «On-Grid» режимда ишлади ва йилига қўшимча 2,3 миллион кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради ҳамда йилига 750 минг метр куб табиий газ иқтисод қилинишига эришилади.

**АҚШ ЭЛЧИСИ САМАРҚАНДА**



Самарқанд вилояти ҳокимлигида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов Америка Қўшма Штатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси Жонатан Хеник бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди. Дўстона руҳда ўтган мулоқот якунида томонлар ижтимоий-иқтисодий, фан, таълим, маданий-маърифий соҳаларда икки томонлама манфаатли ҳамкорлик қўламини кенгайтиришни келишиб олишди.

**БҮЮК БРИТАНИЯ НАШРИ ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА**



Буюк Британиянинг «Emerging Europe» онлайн журнали саҳифасида «Ўзбекистонни тушуниш учун кузатиш керак бўлган уч асосий тамойил» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Қароргоҳи Лондонда жойлашган «Emerging Europe» фаолияти Марказий, Шарқий, Жануби-шарқий Европа ва Жанубий Кавказнинг 23 мамлакатига оид хабар, мақолаларни ўқувчилари эътиборига ҳавола қилишга йўналтирилган.



## ТИББИЙ КҮРИК ПУЛЛАРИ ҚАЙТАРИЛДИ

Президентимизнинг 2022 йил 17 майдаги «Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида барча тиббиёт ходимлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан бепул ўтказилиши белгилаб қўйилган. Аммо фармон ижросига панжа остидан қараш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича меҳнат техник инспектори Иброҳим Бердиев Газли шаҳар шифохонасида олиб борилган ўрганишлар жараёнида худди шундай ҳолатни аниқлади. Гап шундаки, шифохона маъмурияти томонидан Меҳнат кодексининг 214-моддаси ҳамда «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом» талаблари қўпол равишда бузилиб, 36 нафар ходим ўз маблағи ҳисобига тиббий кўриқдан ўтказилган.

Буни қарангки, тиббий кўрик учун вилоят молия бўлимидан туман молия бўлимига маблағ йўналтирилган бўлса-да, муассаса учун бундай маблағ ажратилмаган. Чикимдор ходимларга пулларини қайтариш юзасидан талаб қўйилгач, Ромитан тумани молия бўлимидан ушбу мақсад учун олти миллион сўм маблағ ажратилишига эришилди. Бироқ шунга қарамай, ходимларнинг харажатлари қайтарилмади. Шу сабабли, фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманларо судига Газли шаҳар шифохонасига нисбатан ходимлар манфаатини ҳимоя қилган ҳолда даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қаноатлантирилиб, 36 нафар тиббиёт ходимига харажатларини ундириб бериш бўйича қарор чиқарилди. Натихада, туман молия бўлимидан ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиши учун олти миллион сўм ва 36 нафар ходимга 1 миллион 360 минг сўм миқдорда сарфланган тўловлар қайтариб берилишига эришилди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА  
«ISHONCH»

Касба уюшма аралашгач...



## АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Навоий шаҳри «Янги ариқ» маҳалласида яшовчи Рашид Иботов яқинда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилоят кенгашига ариза билан мурожаат қилиб, ўзи ишлаб келган «Бережливость» МЧЖдан 2022 йилнинг апрель, май, июнь, июль ойлари учун иш ҳақи ҳамда меҳнат таътили берилмагани юзасидан амалий ёрдам кўрсатишни сўраган эди.

Аниқланишича, Р.Иботов 2021 йилнинг 11 октябрида Навоий шаҳри ҳудудида фаолият юритаётган «Бережливость» МЧЖнинг Абонентлар билан ишлаш бўлими бошлиғи вазифасига ишга қабул қилинган. Орадан 10 ой ўтиб, яъни 2022 йил 1 августдан «Бережливость» МЧЖ билан тузилган меҳнат шартномаси унинг

хоҳишига кўра бекор қилинган. Шунингдек, унга иш берувчи томонидан меҳнат таътили берилмаган. У номаълум сабабларга кўра пуллик компенсация тўловларидан ҳам маҳрум қилинган.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши томонидан Кармана туманларо фуқаролик судига Р.Иботовнинг мурожаати юзасидан тегишли тақдимнома киритилди ва жавобгар «Бережливость» МЧЖ ҳисобидан унга 20 миллион сўм миқдоридagi иш ҳақи ҳамда 400 минг сўмлик маънавий зарар ундириб берилди.


Алишер РАҲМАТОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



## Маданият ва туризм вазирлиги эътиборига!

# ХАЛҚ РАССОМИГА ҲУРМАТ ШУМИ?

Ёхуд Абдулла Қодирий уй-музеи экспозициясига берилган суратларнинг ҳақи ҳалигача тўланмагани ҳақида...



Яқинда таҳририятга Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев келган эди. Узоқ сўхбатлашдик. Сўхбат асосида у юртимиздаги ижобий ўзгаришларни, миллат раванқини қўллаб қўллаётган эзгу ишларни эътироф этди. Энг муҳими, бу жараёнда рассом ўз ижоди билан иштирок этаётганидан мамнун эди. Хусусан, Абдулла Қодирий уй-музеи унинг суратлари билан бойитилганини алоҳида таъкидлади.

Аммо рассомнинг қўзларида бир ташвиш кўриниб турарди... Журналистлигимга бориб, сабабини билишга қизикдим.

« – 2020 йил ҳукумат қарори асосида Абдулла Қодирий мемориал ва адибнинг уй-музейлари ташкил этилди, – деди Алишер Мирзаев. – Маданият вазирлигидан Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодида бағишланган туркум асарларимдан музей экспозицияси учун тақдим этишни сўрашди ва албатта улар учун қалам ҳақи (гонорар) берилишини ваъда қилишди. Мен хурсанд бўлдим. Шундай қилиб, янги очилган адиб музейларининг тўқсон фоиз

расмлар экспозициясини менинг асарларим ташкил этди. Очилиш маросимида шахсан қатнашиш nasib этмади. Таассуфки, расмлар муаллифини чорлаш ташкилотчиларнинг ёдидан кўтарилган эди чоғи...»

Орадан бирмунча вақт ўтади. Танikli рассом қалам ҳақидан дарак бўлмагач, Маданият вазирлигининг музейлар бошқармаси бошлиғи ва ходимларига учрашади. Улар мусаввирга асарлари раҳбариятга маъқул тушгани ва уларни музей фонди учун харид қилишларини айтишади.

«...Яна вақт ўтади. Аммо рассомни ҳеч ким йўқламайди. Шундан сўнг у вазирнинг биринчи ўринбосарига учрашади. Раҳбар 2022 йил бошланиши билан масалани ҳал қилиб, керак бўлса, қўлига қафиллик хатини ҳам тутқазилганга тайёр эканини билдиради. Бу борада яна ис-

лоҳотлар бўлиб, музейлар бошқармаси Туризм вазирлиги таркибига ўтади. Шундан сўнг Ўзбекистон Бадий Академияси раиси Акмал Нурриддинов Туризм вазири А.Абдуҳақимовга масала юзасидан хат йўллайди. Аммо бу ҳам ечим бўлолмади...»

« – Сўнг вазир қабулига ёзилмоқчи истадим, – дейди А.Мирзаев. – Ёрдამчилар каминанинг оқ сочи-ю, унвон-мартабаларига эътибор бериш-дими, уч кунда комиссия йиғилиб, асарларимни баҳолаб, мушкулимни ҳал этишга ваъда беришди. Комиссия ўтган йилнинг 17 декабрида 32 та асарим борасида шартнома қоғозига имзо чекиришди. Очиғи, уларнинг нархлари жуда арзон белгиланди. Индамадим. Янги йилда Туризм ва маданий мерос вазирлиги Маданият вазирлиги таркибига киритилиб, Маданият ва туризм вазирлиги ташкил этилди. Энди боғи вазир ёрдამчиларидан дарак йўқ, телефонлари жавоб бермайди, хомтама бўлмаса ҳам бўлаверади, чоғи. Яна янги вазирликнинг қуйи поғонасидан юқори томонига – машаққати мўл тоққа афсонавий Сизиф каби кўтарилишимга тўри келади, менимча...»

Рассом уч йилдан бери давом этаётган оворагарчиликларини шундай ҳикоя қилар экан, кўнгилмиз бузилди. Санъат асарлари, осори-атиқаларни асраш, қадрлаши керак бўлган масъул ташкилотларнинг ўзи ижодкор-

лар меҳнатига бу қадар лоқайд бўлиб келаятгани ачирларидир. Ахир рассом бу асарлар учун ўттиз йилдан ортиқ умрини сарфлаган. Суратларни турли шахсий тўплам ва чет эл галереяларига тарқатиб юборса ҳам бўларди. Лекин уларни кўз қорачигидай асраб, зарур масканга тақдим этди.

Мақола сўнггида мутасаддилардан сўрамоқчимиз: йиллар давомида чеккан заҳмати ва меҳнати эъзизига 75 ёшли мусаввирга кўрсатаётган ҳурматингиз шуми?

Гулрухбегим  
ОДАШБОЕВА  
«ISHONCH»






Бухоро вилояти

**Жамоада соғлом ишчанлик муҳитини шакллантириш, меҳнат, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашда бошланғич касабани уюшмаларининг роли бениҳоя катта.**

Маъмур тузилма нафақат ходим, балки иш берувчининг манфаатларини ҳам ҳимоя қилади. Масалан, меҳнат муносабатларини ўрнатилган қонунийлик устидан жамоат назорати олиб борилган жойда камчиликларга йўл қўйилмайди, шундай ҳолат юз берган тақдирда ҳам, тезда бартараф этилади. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид фаолиятни ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси бўйича 3 босқичли назорат ўрнатилиши натижасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинади. Мухтасар айтганда, касабани уюшмалари хо-

димлар, аҳоли ва давлат органлари ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажаради.

Иш берувчилар касабани уюшмалари билан жамоат ташкилоти сифатида ҳамкорлик қилса, ходимлар ўртасида илиқлик, очиқлик, ишга нисбатан масъулият ортади. Маълумот ўрнида айтишим мумкинки, бугун Бухоро вилоятидаги мавжуд солиқ тўловчи юридик мақомга эга ташкилот, корхона ва муассасаларнинг 7262 тасида касабани уюшмаси тузилган бўлиб, уларда ишловчи 340 минг ходим аъзоликка олинган. Ўтган йил давомида аъзолик афзалликлари тарғиб этилиши ўз самарасини бериб, 508 та корхона, ташкилотнинг 10 минг нафардан зиёд ходими аъзолар сафига қўшилди.



Жорий йилда ҳам вилоят касабани уюшмалари олдига бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, 1000 дан ортиқ корхона ва ташкилотда янги касабани уюшма ташкилотларини тузиб,

**Иш берувчилар касабани уюшмалари билан жамоат ташкилоти сифатида ҳамкорлик қилса, ходимлар ўртасида илиқлик, очиқлик, ишга нисбатан масъулият ортади. Маълумот ўрнида айтишим мумкинки, бугун Бухоро вилоятидаги мавжуд солиқ тўловчи юридик мақомга эга ташкилот, корхона ва муассасаларнинг 7262 тасида касабани уюшмаси тузилган бўлиб, уларда ишловчи 340 МИНГ ходим аъзоликка олинган. Ўтган йил давомида аъзолик афзалликлари тарғиб этилиши ўз самарасини бериб, 508 ТА корхона, ташкилотнинг 10 МИНГ нафардан зиёд ходими аъзолар сафига қўшилди.**

жамоа шартномалари орқали ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Янги тахрирдаги Меҳнат кодексини ҳар бир бошланғич ташкилотда муҳофизат этиш, корхона ва ташкилотлардаги локал ҳужжатларни янги кодексга мослаштиришга амалий ёрдам кўрсатиш, бошланғич касабани уюшма ташкилоти фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътибор қаратилади.

Президентимизнинг 2021 йил 11 ноябрь – Ўзбекистон касабани уюшмалари кунини байрами муносабати билан касабани уюшмалари ходимлари ва фаолларига йўллаган табригида «Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган

**Аъзолик афзалликлари**

барча иш берувчилар ва раҳбарлар бутун дунёда тан олинган куйидаги қоидага амал қилишларини истардим: ҳар қайси корхона ёки ташкилотда, албатта, касабани уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар албатта, улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт», дея алоҳида таъкидлаган эди. Бу албатта, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда касабани уюшмаларининг ваколатлари кенгайиб бораётганининг яна бир нишонасидир.

Зеро, корхона ва ташкилотларда ишловчи ҳар бир ходимни касабани уюшмалари атрофида бирлаштирсак, биргаликда уларни ҳимоя қилсак, яратилган ҳар бир иш ўринларини мустаҳкам-лигини таъминласак, ходимларнинг муаммоларига биргаликда ечимини топиш орқали фуқароларимизни рози қилсак, кўзланган юксак мақсадларга, албатта, эришамиз.

**Ҳамид БЕШИМОВ,**  
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари



Фарғона вилояти

**Ҳуқуқ**



**Кечки навбат учун ҳақ ундирилди**

**Бағдод тумани тиббиёт бирлашмасида ўрганиш ўтказилганда меҳнат қонунчилиги талаблари бузилгани юзга қалқиб чиқди.**

Хусусан, бирлашма ходимларига кечки навбатдаги иш вақтлари учун ҳақ тўланиши ўрганилганда қонун ҳужжатлари асосида уларга 1,25 баравар миқдорда иш ҳақи тўланмагани аниқланди. Бу ҳолатни бартараф этиш бўйича тиббиёт бирлашмаси раҳбарига киритилган кўрсатма хати талаблари бажарилмаган. Шундан сўнг 11 нафар ходимнинг манфаатлари ҳимоя қилиниб, судга даъво ариза киритилди.

вомида кечки навбатда ишлаган вақтлари учун 12 миллион сўм иш ҳақлари ундириб берилди. Юқоридаги каби қонунчилик талабларининг бузилиши вилоят тери-таносил касалликлари шифохонасида ҳам содир бўлган. Шифохона раҳбариятига тақдим этилган кўрсатма бўйича 7 нафар ходимга 5 миллион 830 минг сўм иш ҳақлари ундириб берилди.

**Зафаржон ҚУРБОНОВ,**  
Солиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, тиббиёт бирлашмасининг 11 нафар ходимига ўтган йил да-



Андижон вилояти

**Тадбир**

**Тажриба алмашилди**



**Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Асака тумани кенгашида мавжуд ишлар номенклатурасини тартибга келтириш, касабани уюшмалари фаолиятини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасида туманлараро семинар ўтказилди.**

Унда сўзга чиққанлар томонидан бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини намунали ташкил этиш, касабани уюшма маблағларини мақсадли сарфлаш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Бошланғич касабани уюшма ташкилоти ҳар бир ишчи-ходимнинг яқин ҳамкори ва кўмакчиси, – деди Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Асака тумани кенгаши раиси Салимжон Ҳайитов. – Ана шу мақсадда йил бошидан ишларимизни режалаштириб олганмиз. Ушбу семинарда ўзаро фикр алмашиб, илғор тажрибаларни ўрганишимиз келгуси фаолиятимизда асқатади.

Семинарда иштирокчилар дуч келинаётган саволларга малакали мутахассислардан жавоблар олишди.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**  
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

**Фаолият**

**Яккабоғ туманидаги 8-ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилноза Асадованинг турмуш ўртоғи вафот этган. Икки нафар фарзанди бор. Аксига олиб, унинг дарс соатлари ҳам кўп эмас. Аёл ижтимоий аҳволини баён қилиб, касабани уюшма кўмитасидан ёрдам сўради.**



**«Доимо кўмакка шаймиз»**

53-мактабда ишлайдиган Дилнавоз Муродова ҳам ёлғиз она. Ўғли пулли спорт тўрагига қатнайди. Муаллима рўзғорда етишмовчилик бўлгани учун касабани кўмитасидан ариза ёзди.

78-мактабда қоровуллик қиладиган Мақсуд Каримов ҳамда фаррош Навбахор Шоймардонова маош камлиги боис кўмитадан кўмак сўрашга мажбур бўлишди.

Аризалар Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, муурожаат соҳибларига моддий ёрдам ажратилди.

– Турли байрамлар арафасида таълим фидойилари ҳолидан хабар олиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Жумладан, 1-мактабнинг собиқ директори, 90 ёшли Носир бобо Турдиев, 80 ёшли нуруний устозлар Ҳўжақул Ҳайитов, Аҳмад Мираков, Чори Бобоқуллов, Тўра Бекназаров, Окмирза Эргашев, кўп йиллар касабани уюшма соҳасида ишлаган Бахринисо Полвонова хонадонидан бўлганимизда уларнинг пурмаёно ўғит ва дуоларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, – дейди тармоқ касабани уюшмаси Яккабоғ ту-

мани кенгаши раиси Алишер Хонназаров. – Хасталиги ёки ногиронлиги учун уйда якка тартибда таҳсил оладиган ўқувчиларимиз бор. Яқинда 35 нафар ана шундай ўқувчи хонадонидан бўлди, уларга ўқув қуроллари топширилди.

2021 ва 2022 йилларда 100 нафар педагог Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги қўшма қарорига асосан, «Қашқадарё соҳили» санаторийсида бепул ҳордиқ чиқарди. Жорий йилда яна 16 нафар соҳа фидойиси шундай имтиёз билан соғломлаштирилади. Таълим муассасаларида спортнинг оммавийлигини ошириш учун тез-тез тармоқ спартакиадалари ўтказиб турилади.

Туман кенгашидан ҳуқуқий ёрдам сўраган ходимлар ҳам анчагина. Айниқса, ўрта умумтаълим мактабларида ёшлар етакчиси «штати» тугатилган, 94 нафар ёш мутахассис ишсиз қолиши мумкин эди. Касабани уюшма аралашуви билан улар ўзларига мос иш ўринларига эга бўлишди.

**Акмал АБДИЕВ**  
«ISHONCH»



Хоразм вилояти



**Янги етакчи сайланди**

**Хоразм вилояти ички ишлар ходимлари бирлашган касабани уюшмаси сафида 2400 нафарга яқин аъзо бор. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, дам олишлари, спорт билан шугулланишлари учун муносиби шароитлар яратиб бериш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.**

Кўни кеча кўмитанинг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилиб, делегатлар бир овоздан ҳамкасблари Шавкат Ибрагимовни Хоразм вилояти ички ишлар ходимлари бирлашган касабани уюшма кўмитаси раиси этиб сайлашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ички ишлар ходимлари касабани уюшмаларига жалб қилинганлиги ходимлар манфаатини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этаётгани, жамоа келишувидан имтиёزلардан самарали фойдаланишаётганини эътироф қилишди. Хизмат вазифасини бажаришда бошқаларга намуна бў-

либ келаётган 11 нафар ходимга Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Ливингстон» дам олиш масканига йўлланма берилди.

**Руслан БОБОЖОНОВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари

**Конференция**



# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ВА БОБУР МИРЗОНИНГ МАЪНАВИЙ-ХУҚУҚИЙ МЕРОСИ

**Улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, авваломбор, Ҳиндистонда 300 йилдан ортқ ҳукм сурган буюк Бобурийлар салтанатининг асосчиси бўлмиш Темурий подшоҳ ҳамда жаҳонда эътироф этилган муҳташам қомусий маънавий ёдгорлик – «Бобурнома» ва «Мубаййин» ҳуқуқий асарининг муаллифи мақомида яхши биламиз. Табиийки, Мирзо Бобур дилбар шоир бўлиб, ғазаллари, рубоий ва маснавийлари адабиётимизнинг гултож асарлари сифатида ҳаммиша юксак қадрланади.**

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 25 январда қабул қилинган «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз маънавий ҳаётида мантиқан тўла асосга эга улкан воқеа бўлди.

Қарор мазмун-моҳиятининг теранлиги ва қамровдорлиги билан ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чунки ижоди серқирра, бетакрор бўлган шоҳ ва шоир бобомизнинг қутлуғ таваллуд санасини Президентимиз Шавкат Мирзиёев шахсан тасдиқлаган Дастур асосида – мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида тизимли тартибда ҳамда кенг қўламада нишонлашмиш.

Мустақиллик йилларида мутафаккир бобуларимизнинг бой маънавий-маърифий меросини ҳар томонлама ўрганишга эътибор тубдан кучайди. Шу жумладан, Бобур ҳазратларининг ижодини теран таҳлил ва тадқиқ этиш имкониятлари ниҳоятда кенгайди. Утган даврда «Бобурнома», «Мубаййин» ҳуқуқий асари, Бобурийлар шеърини девони қайта-қайта чоп этилди. Ушбу асарлар талқинига бағишланган китоб ва рисоалар, илмий-оммабоқ мақола-лар мунтазам эълон қилинмоқда.

Чиндан ҳам, кейинги йилларда Тошкент ва Андижон шаҳарларида Бобур Мирзонинг муаззам ҳайкаллари ўрнатилгани, унинг туғилиб ўсган юрти – Андижон шаҳрида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва унинг тасарруфидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб музейи фаолият кўрсатаётгани, «Бобур энциклопедияси», «Бобур куллийети», «Бабур. Бабуриды. Библиография» номли салмоқли асарлар нашрдан чиқарилгани, «Бобур ва дунё» журнали ташкил қилингани маданий ҳаётимизда катта воқеа сифатида эътироф этилди.

Айни чоғда, Юртбошимизнинг мазкур қарори 2023 йил – Ватанимизда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилинган билан чамбарчас боғлиқдир. Нега деганда, Бобур Мирзо ижодий меросини ўрганишнинг энг муҳим жиҳатларини олий таълим муассасалари ҳамда мактаб таълими ўқув дастурларининг мазмун-мундарижасига сингдириб бориш масаласи Президентимиз томонидан долзарб вазифа сифатида белгилаб берилди.

Бу ўз навбатида, Бобур ҳазратларининг ҳасос китоблари, хусусан, «Бобурнома», «Девон», «Аруз рисоласи», «Рисолаи волидиййа», «Мубаййин» каби асарларини ҳар томонлама чуқур ўрганишга янада равон йўللари очмоқда. Энг асосийси, эндиликда ушбу нодир асарларни турли баён шарҳлари билан ўқувчи ва талабаларга тақдим этиш, уларнинг қат-қатидаги ҳалигача очилмай келаётган маънолари мағзини қақиш вазибалари кун тартибидан жой олади.

Шу ўринда, даставвал, Заҳириддин Бобур-

нинг шоҳу шоирлик қатори фикҳ илми, ҳозирги замон ибораси билан айтганда, ҳуқуқшунослик билан ҳам шуғуллангани ва бу мавзуда «Мубаййин» деб аталган эътиборли асар яратгани ҳақида сўз юритамиз. Бобур Мирзо умрининг сўнгги йилларида, яъни 1521 йилда ўғиллари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзога атаб ёзган мазкур китоб – ислом ва фикҳ асосларини баён этувчи йирик асар бўлиб, эътиқод, салот (намоз), закот, савм (рўза) ва ҳаж масалаларига бағишланган бешта қисмдан иборат.

Каминага ушбу асар ҳақида илк бор бундан йигирма йилча бурун атоқли бобурушунос олим, академик Сабоҳат Азимжонова гапириб берганди. Уша сўхбатларимизда эътироф этилган идек, Бобур Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя», Имом Бухорийнинг «ал-Жомийа са-Саҳиҳ», Имом Мотуридийнинг «Тавҳид», Фаҳриддин Али Сафийнинг «Раҳаёт» айн ал-ҳаёт», Алишер Навоийнинг «Сирож ул-муслимин» ва бошқа машҳур муҳаддис, фикҳшунос ва мутафаккир зотлар асарларини диққат билан ўрганган.

Мутахассисларнинг қайд этишича, Бобур Мирзонинг ижтимоий-фалсафий ва диний-ҳуқуқий қарашлари Абу Ҳанифа мазҳабидаги ислом фақиҳлари қарашлари мажмуасининг таркибий қисмини ташкил этган. Шу боис, ул зот юқорида санаб ўтилгани каби кўплаб сара асарлар мутлоаси орқали ўтмиш ва ўз даври тафаккурининг ижтимоий-фалсафий ва эстетик мазмун-моҳиятини яхши ўзлаштирган. Улуғ аждодимиз бу асарларни наинки чуқур ўзлаштирган, балки етук олим сифатида ўзи яшаб турган давр тафаккур даражасини яна бир поғонага ривожлантирган.

«Мубаййин» – маснавий жанрида ёзилган бўлиб, фикҳий масалалар олим, адиб ва шоҳ Бобурнинг ўзига хос баён услуби орқали чуқур билимдонлик билан тунунтириб берилган. Асарда ислом дини асосларини ўқувчи онгига секин-аста ва мустақам сингдириб бориш мақсадида бадийи воситаларнинг бобма-боб санъаткорона қўллангани таҳсинга лойиқдир.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, бугунги кунда Бобур Мирзонинг эътиқодий қарашлари, фақиҳ, яъни фикҳшунос олим сифатида диний илмларга қўшган ҳиссасини илмий жиҳатдан ўрганишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда Бобур Мирзонинг «Мубаййин» асари уч марта нашрдан чиқарилган. Асар нашрдан-нашрга мукаммалашган ҳолда ўқувчига етказилаётгани ҳар қанча эътибор ва эҳтиромга муносибдир. Бинобарин, ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар

қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади.

Айтиш жоизки, ушбу китобнинг учинчи нашрига таниқли шоир, таржимон ва аллома Мирзо Кенжабек қўл ургани бежиз бўлмаган. Зотан, «Мубаййин», бир томондан, ўзбек тилида яратилган ва мумтоз шоир қаламига мансуб бўлган эътиборли асарлар туркумига кирса, иккинчи томондан, тилимизнинг шираси ва бойлигини тўлалтириш акс эттирадиган диний ва бадийи адабиётнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Бу асар исломшунос ва ҳуқуқшунослар, тарихчи ва файласуфлар, тилчи ва адабиётшунослар каби турли соҳа тадқиқотчилари учун қимматли манбадир.

Кези келганда, Бобур Мирзо ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини тадқиқ этишга наинки Ўзбекистонда, балки дунё миқёсида катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим.

«Мубаййин» асарининг ўрганилиши ва чоп этилиши ҳақида сўз борганда, Шарқда – Шайх Заин, Мулла Мир Махдум Тошкандий, С.Азимжонова, С.Шукруллаева, О.Хусанбоев, Н.Расулзода, Е.Березин, А.Самойлович каби олим ва ноширлар, Фуод Кўпрулу, Танжу Урал Сейхан, шунингдек, ҳинд олимлари Абул Фазл Алломий ва Бадоуний, Ғарба – Бевриж, Спрингер каби шарқшуносларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Бобур Мирзо ўз даврида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қаламига мансуб «Рисолаи волидиййа» асарини форсийдан ўзбек тилига таржима қилган бўлиб, кейинги йилларда тасаввуфга оид бу китоб илмий муомалага киритилди. Шунингдек, Бобурнинг «Куллийети» ва Тейхон миллий кутубхонасидан топиб келинди. «Хатти Бобурий» алифбосида кўчирилган Куръони карим Машҳад музейидан Ватанимизга келтирилди.

Бобур ҳазратлари шахси, тарихи, ижоди ва доврнинг жаҳоншумул миқёси борасидаги юртдошларимиздаги тушунча, тасаввур ва билимлар мунтазам бойиб бормоқда. 1998 йилдан бошлаб Бобур халқаро жамғармасининг бобурушунослик соҳасидаги халқаро мукофоти таъсис этилиб, ўтган даврда бу йўналишда улкан илмий-ижодий изланишларини эълон қилган ўзбекистонлик ва хорижлик бир қатор атоқли олим ва адиблар мазкур мукофот билан тақдирлангани диққатга сазовор, албатта.

Ушбу мукофотнинг илк совриндорларидан бири – япон олими Эйже Манонинг «Бобурнома» бўйича амалга оширган беқиёс ишлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Ёки бўлмаса, америкалик олим С.Беркнинг «Акбаршоҳ – Бобурийларнинг энг буюғи» асари, таниқли инглиз адибаси Румер Годен хонимнинг «Гулбадан», Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарлари каби бир қанча ноёб китоб ва рисоаларнинг бизга, Бобур авлодларига етказиб берилиши – буларнинг барчаси маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди, десак асло янглишмаймиш.

Австриялик немис олими ва ёзувчиси Фриц Вюртле томонидан немис тилида ёзилган «Андиджон шахзодаси» («BABUR, der TIGER», сўзма-сўз таржимаси: «Бобур – йўлбарс») номли саргузашт-қисса Бобур халқаро жамғармаси илмий экспедициясининг кейинги сафарларидан бирида, Германияда қўлга киритилган яна

бир муҳим китобдир. Бугунги кунда асл нусхаси Бобур халқаро жамғармасининг Андижондаги музейида сақланаётган ушбу китоб 1947 йилда Австрияда, Вена шаҳридаги «S. Jörgl & Co» нашриётида чоп этилган.

Бошқача айтганда, мазкур асар бани башар Иккинчи жаҳон урушидан қутулиб, Ер юзиде фашизм балоси тугатилганидан кейин атиги икки йил ўтиб нашр этилган. Бу, ўз навбатида, дунёни қурол-яроғ билан эмас, балки илм-маърифат, адабиёт, шеър, ғазал билан фатҳ этмоқлик нақадар эзгу ва улғулигини исботлаган аждодларимиз руҳи-покига бутун инсоният ҳурмат-эътиборининг ифодасидек янграйди.

Афсуски, асар муаллифи ҳаёти ва таржимаси ҳоли ҳақида аниқ саналар, факт ва рақамларни топишнинг имкони бўлмади. Китобнинг ўзбекча нашрига ғоятда сермазун ва батафсил сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид қайд этганидек, Фриц Вюртле «Венеранинг қайтиши», «Рассом ва модель» сингари асосан санъат, санъатшунослик, дизайн, кино, маданият соҳаларига бағишланган асарлар битганидан хабардоримиз, холос. Шу маънода, «Бобур – йўлбарс» муаллифининг яқка-яғона бадийи асари бўлса ҳам ажаб эмас.

Саргузашт-қиссани немис тилидан шу соҳанинг тажрибали мутахассиси, захматкаш олима Янглиш Эгамова муҳорат ва чуқур билим, меҳр ва иштиёқ, завқ ва ихлос билан ўзбек тилига таржима қилган. Кези келганда, олиманинг насрда ҳам, назмда ҳам буюк сўз устаси бўлган Гёте асарларини оммалаштириш ва бадийи талқин этиш йўлида меҳнати синган таржимон эканини ҳам эслатиб ўтиш ўринлидир.

Айни вақтда Я.Кжижовский Бобур Мирзо назмий жавоҳирларидан бир шодасини поляк тилига таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди. Ушбу тўплам 2013 йили Варшавада «Indo-Polish Cultural Committee» нашриёти томонидан чоп этилган. Китобнинг кириш қисмидаги улуғ шоҳ ва шоир бобомиз ҳаёти ва фаолиятига оид, шунингдек, шеърини таҳлил этилган мақолалар ўрин олган.

Тўпламда Бобур Мирзо назмий жавоҳирларидан сара намуналар берилгани таҳсинга сазовор. Негаки, шу пайтга қадар дунёда асосан «Бобурнома»ни таржима қилиш ҳамда тадқиқ этиш, Бобур ва бобурийлар сулоласи тарихини ўрганишга эътибор қаратилгани ҳолда, Бобур шеърини турли тилларга ўгириш ва кенг тарғиб этиш масаласи эътибордан бир қадар четда қолиб келаётгани сир эмас.

Поляк таржимони Я.Кжижовский томонидан тақдим этилган Бобурнинг поляк тилидаги сараланган шеърлар тўплами бу борадаги бўшиқни тўлдирши йўлида жиддий ва муҳим қадам, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Яна бир аҳамиятли жиҳат – тўпламни тайёрлашда Шарқ шеърининг девон тузиш аъналарига риоя қилишга интилиш кузатилади. Яъни, Бобурнинг нафақат ғазаллари, балки бошқа шеърини жанрларда битилган асарлардан ҳам намуналар поляк тилидаги ушбу тўпламга муайян тартиб билан киритилган. Хусусан, китобдан Бобур қаламига мансуб 116 та



**Акmal САИДОВ,**  
академик

ғазал, 146 та рубоий, 5 та қитъа, 16 та фард ва 8 та маснавий, жами 291 та шеърини асар таржималари жой олган.

Тўплам охирида мухтасар луғат ҳам илова қилинган. Бу, шубҳасиз, Бобур назмий асарларида қўлланилган эски ўзбек тилидаги баъзи мураккаб сўз ва атамаларни, миллий мумтоз адабиётимиз аъналарини, халқимизнинг олис тарихи билан боғлиқ айрим муҳим тушунча ва истилоҳларни билиш ҳамда тўғри талқин қилишда поляк китобхонларига яқиндан қўмақ беради.

Дилбар шоиримизнинг гўзал шеърлари таржималаридан жамланган ушбу назмий гўлдаста фақат поляк китобхонлари учун ажойиб туҳфа бўлибгина қолмай, айни чоғда, халқимиз маънавий ҳаётида ҳам муҳим воқеадир. Нега деганда, Бобур шеърини унинг ворислари бўлган бизнинг ўзимиз ҳам том маънода ўқиб-ўрганишга киришганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Чунки мустабид шўролар замонида қанчадан-қанча муътабар аждодларимизнинг нома-ларини тарих саҳифаларидан бутунлай ўчириб юборишга ҳаракат қилинмади, дейсиз.

Мухтасар айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини ўрганиш бўйича қилинган ҳар қандай эзгу амал, бу борада нашр этилган ҳар бир китоб – Бобур шахсини, Бобур ҳаёти ва ижодини янада теран билиш ҳамда англаш учун очилган янги йўл ва бу йўлда қўйилган қутлуғ қадамдир.

**Зеро, Президент қарориде таъкидланганидек, «Жонажон Ватанимиз миллий ривожланишнинг янги босқичига – Учинчи Ренессанс даврига қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Бобур Мирзонинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда».**

**Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврнинг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди. Жавоҳарларъ НЕРУ**

## Тошкент шаҳри

**Мўъжизалар ва сир-синоатларга тўла ҳаётда ажойиб инсонларга кўп дуч келамиз. Пойтахтимизнинг Бектемир тумани «Абай» МФЙда яшовчи 34 ёшли Омонгул Сиддиқова шундай аёллардан бири.**

Кўзи ожизлиги туфайли у болалигидан II гуруҳ ногирони ҳисобланади. Шунга қарамай, ўз юмушларини қийналмай бажаради. Янада хайратланарлиси, ҳар хил буюмлар тўқиш билан шуғулланади. – Бу хунарни ўзлаштирганимга 14 йилдан ошди, – дейди у мамнуният ила. – Аллоҳга шукр, ортиқча қийинчилик ва нокулайликлар йўқ. Турмуш ўртоғим ва қайнонам билан бирга яшайман. Асосан шарф,

бош кийим, ҳар хил нимчалар ва болалар кийимлари тўқийман. Турмушимиз фаровон, топганларим рўзгоримизни юритиш учун етарли.

Дарвоқе, излаган имкон топади, деганларидек, Омонгул ҳам доимо тиниб-тинчимаслиги ва ҳалол меҳнатлари роҳатини кўрапти. Унинг келгуси орзу-ниятлари ҳам бисёр. Жумладан, ўзи тайёрлаётган маҳсулотлар турини ва ҳажмини янада кўпайтириб, чет элларга сотишни йўлга қўйишни, кўргазмаларда қатнашишни, шунингдек, компьютер савдонлигини оширишни мўлжалламоқда. Шунга кўра, ҳозир республика «Хунарманд» уюшмаси қошида тўқувчиликнинг бошқа сирларини ўрганмоқда.

Яқинда Омонгулнинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. У «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар Ассоциациясининг Тошкент шаҳар бўлими гувоҳномаси ва сертификатига эга бўлди. Уша ерда психолог Шаҳноза Содиқованинг «Сеҳрли куч» номли инновацион дарсидан қайта куч олди. Харидорлари кўпайиб, қалбиде шукроналик ҳисси кучайди. Ўргатилган гимнастикалар унга жуда ёқди.

– Омонгул жуда тиришқоқ, ўз ишига катта масъулият билан ёндашади, – дейди Ассоциациянинг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Роза Бобоева. – Биз эса бултур шаҳар бўйича ногиронлиги бор 96 нафар хотин-қизни «Ногиронлиқдан – тадбиркор-

ликка» лойиҳаси асосида ўқитиб, хунар ўргатдик. Улар психологик тренинг, мотивация ва билимга эга бўлиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш имкониятини кўлга киритишди.

Омонгул Сиддиқова савобли ишлар қилишни жуда хуш кўради. Кўзи ожиз кишилар учраб қолса, уларни то уйигача олиб боради.

– Ожиз инсонни манзили сари етти қадам элтиб қўйиш ҳам катта савоб бўлади. Токи ҳаёт эканмиш, шундай хайрли ишлар қилишдан чарчамайлик, – дейди у.

**Комила БОЙМУРОДОВА**  
«ISHONCH»



МАМЛАКАТИ-МИЗ АҲОЛИСИ-НИНГ ҚАРИЙБ 90 ФОИЗИ ИСЛОМ ДИНИГА ЭЪТИҚОД ҚИЛАДИ. ШУ БОИС ШАРИАТ ҚОИДАЛАРИГА АСОСЛАНГАН БАНК ХИЗМАТЛАРИГА ЭЪТИЁЖ ҲАМ, ҚИЗИҚИШ ҲАМ КАТТА ЭДИ. НИҲОЯТ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИДА «ТРАСТ-БАНК» ТОМОНИДАН АЙНИ ЙУНАЛИШДА ИЛК ҚАДАМЛАР ТАШЛАНДИ. УНИНГ ҚОШИДА ИСЛОМ ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН «TRAST MUAMALAT» КОМПАНИЯСИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРИ

Унинг бошқа банк хизматларидан фарқи нимада?



**Х**ўш, юртимизда йўлга қўйилган бу хизмат тури қайси хусусиятларига кўра бошқаларидан фарқ қилади? Унинг аҳоли учун қулайлиги нимада? Исломий молиялаштириш билан аънавий молиялаштиришнинг биринчи

асосий фарқи фойда-зарарларни бўлишига ва активларга асосланган молиялаштириш саналади. Қисқача айтганда, исломий молиялаштириш шерикчиликка асосланади. Бунда молия муассасаси мижоз талаби асосида объект куриб бериши, асбоб-ускуналар, товарлар, хомашёлар сотиб олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш негизда савдо операциялари ётади. Аънавий банк тизимида эса савдо операцияларини амалга ошириш қонунчилик нуқтаи назаридан мушуқул ҳисобланади ва бунга солиққа тортиш, шунингдек, банк фаолиятга тааллуқли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тўққонлик қилади.

Янаям аниқроқ тушунтирадиган бўлсақ, шариат тамойилларига асосланган хизматда тadbirkor ёки жисмоний шахс харид қилмоқчи бўлган объект, махсулот ёки товар танланган, банкнинг ўзи ўша махсулотни сотиб олади. Кейин эса бунинг учун сарфланган маблағга товарни олиб келиш ва расмийлаштириш учун кетган харажатларни қўшган ҳолда мижозга сотади.

«Мижознинг пули бўлмагани боис банкка мурожаат қилган-ку, қайси пулига

товарни сотиб олади?» дейишингиз мумкин. Ҳа, тўғри. Бироқ ҳар қандай банкда ҳам кредит олиш жараёнида мижознинг тўлов қобилияти текширилади ва кредитнинг 25-30 фоиз қисмига тенг маблағ бошланғич тўлов сифатида тўланади. Бу жараёнда ҳам худди шундай. Мижоз банкдан сотиб олаётган товар қийматининг 30 фоизига тенг маблағни бошланғич тўлов сифатида, қолган қисмини эса имкониятига қараб, шартнома тузган ҳолда икки ёки уч марта бўлиб тўлайди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ислом дариҳаси орқали автомашина олмақчи ёки бирор турдаги тadbirkorликни бошламоқчи бўлган кишида бошланғич тўловга тенг маблағ ҳамда кейинчалик унинг қолган қисмини қайтара оладиган даражада даромад бўлиши лозим. Айтилик, сизда автомашина харид қилиш учун маблағ етишмаяпти ва уни ислом молиясига асосан «Trast muamalat» орқали олишни ўйлаяпсиз. Бунинг учун ўзингиз сотиб олишни кўзлаган бирор автомашина топасиз ва нархини сотувчи билан келишасиз. Банк келишилган суммага автомашинани сотиб олади ва нотариус харажатларига, ҳужжатларни расмийлаштиришга кетган маблағларни қўшган ҳолда баҳолаб, сизга сотади. Сиз бошланғич тўлов сифатида олдиндан автомашина нархининг 30 фоизига тенг бўлган миқдордаги, кейин эса қолган маблағларни бўлиб-бўлиб тўлайсиз. Токи қарзингиздан қутулмагунча, автомашинани гизни сотишга муассаса томонидан тақиқ қўйилади. Тўловларни тўлаб тўлаб бўлганингиздан сўнг тақиқ ечилади.

Бунда айни пайтда товар устига қўшилган фойз миқдори уни қайтариш шarti бир йилни ташкил этганда 15 фоизи, икки йил бўлганда 30 фоизи, ундан узоқроқ муддатга тузилганда янада кўпроқни ташкил этиши мумкин.

Зебо НАМОЗОВА  
«ISHONCH»

Жараён



## БОЛАГА КИТОБ БЕРИНГ...

Китобга ошно одамнинг қалби гўзалликка мойил бўлади. Бу яхши. Агар мутолаа болаликдан бошланса, бундай инсон фикри теран бўлиб улғаяди. Бу янада яхши.

**А**ммо китобхонлар тоифаси ҳам ҳар хил бўлади. Кимдир саралаб, керакли асарни ўқиса, кимдир дуч келган китобни ўқийверади.

Гап ана шунда. Бола қандай китобни ўқийганида. Аввало, китобхон ўқиган асаридан ўзига қандайдир хулоса олиши керак. Бора-бора бу хулосалар йиғилиб, улкан кучга — маънавиятга айланади.

Шу сабаб фарзандларимизнинг фақат китоб ўқийганига эмас, қандай китоб мутолаа қилаётганига эътибор қаратишимиз керак. Унга бу борада кўмакчи бўлишимиз зарур тавсияларни, лозим бўлганда, тушуночалар беришни қанда қилмаслигимиз даркор.

Мўҳими, бунинг учун ўзимиз ҳам китобхон бўлишимиз зарур бўлади. Ана шундагина ёш авлодга тўғри йўлни кўрсатиб, намуна бўламиз. Болаларда мутолаа маданиятини шакллантира оламиз.

Ибодат РАЖАБОВА,  
Навоий шаҳридаги 16-алоҳида фанлар чуқурлаштириб ўтиладиган ихтисослашган мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

МУАССИС:



ISSN 2010-5009  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doeerie» gazetalarining tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV  
(tahrir hay'ati raisi),  
Ulug'bek JALMENOV,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfullo AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOVA,  
Nodira G'OYIBNAROVA,  
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV  
(Mas'ul kotib — «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK  
(Mas'ul kotib — «Ishonch-Doeerie»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43  
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-97) 506-86-98  
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati — (+998-91) 406-43-24  
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati — (+998-99) 889-98-02  
Navoiy viloyati — (+998-99) 889-90-28  
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati — (+998-99) 889-90-32  
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:  
S. Abdurahmonov

Musahhihlar:  
D. Xudoyberganova,  
D. Ravshanova

Sahifalovchi:  
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti — 23:00  
Topshirildi — 23:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:  
100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
ATIB «Ipoteka banki»  
Yashnobod filiali,  
bank kodi: 00959,  
STIR: 201133889,  
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma G-213  
Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31576

14752 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Эълонлар

### Миллий санъатимиз усталари ва ёш ижрочилар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси эзгулик, яшарли ва янгиланиш айёми — Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан

## «Наврўзинг муборак, Янги Ўзбекистоним!»

қўшиқлар танловини эълон қилади.

Танловда таниқли ва ёш хонандалар, композитор ҳамда бастакорлар тинчлик ва гўзаллик, меҳр-оқибат ва муҳаббат ғояларини, инсон қадрини улуг'лайдиган, юксак ватанпарварлик туйғуларини тараннум этадиган янги мусиқий асарлари билан иштирок этишлари мумкин.

Танлов учун тайёрлаган ижод намуналарингизни «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг «uzbekkonsert\_navruz» телеграм ботига юборинг.

Танловда ғолиб бўлган санъаткор ва ижрочилар мамлакатимизда ўтказиладиган нуфузли байрам тантаналарида иштирок этиш ҳамда куйидаги пул мукофотларини қўлга киритиш имкониятига эга бўлишад:

1-ўрин учун

50 млн. сўм,

2-ўрин учун

40 млн. сўм,

3-ўрин учун

30 млн. сўм.

Аризалар жорий йилнинг 1 февралидан 20 февралига қадар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари 2023 йилнинг 10 март куни эълон қилинади.

Қўшимча маълумотларни

(95) 194-23-23

телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Ўз истеъдод ва маҳоратингизни намойиш этиб, Наврўзнинг кўрки ва тароватини оширишга, гўзал байрамимизни янада мазмунли ўтказишга ҳисса қўшинг!



2021 йил 12 ноябрда Граф Бахром Патхуллаевич номига берилган №09-01/7756 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

# ГАЗЕТА

## ЎҚИМАСАК БЎЛМАЙДИ...

ЗОЕ КЕТГАН УМР — КЎЙГАН КЎМИР

Одамзод овқатсиз 40 кунча, сувсиз эса 2-3 кун яшай олиши мумкин. Машинасиз, тилла тақинчоқсиз, қошонасиз эса умрбод яшаса бўлади.

Хўш, китоб ва газета-журналсиз ҳам яшаса бўлармикин?

Уларни ўқиш нарида турсин, лоақал бирон марта қўлига олиб, варақлаб ҳам кўрмаган айрим кишилар бу саволга «Китоб, журнал ва газета инсон учун ҳаво ва сувчалик мўҳим эмас» деб жавоб беришлари тайин.

Аммо китоб мутолаа қилган, босма нашрларни ўқиган инсонлар бутунлай бошқача фикр билдиришади, газета ва китобсиз ўтган умрини зое кетган ҳисоблашади. Халқ уларни маърифатли, яъни ўқимшли ва билимдон кишилар деб атайди.

ХАБАРЧИ ЭМАС, ХАЛҚ МИНБАРИ БЎЛИШИ КЕРАК!

Ўтган асрнинг 60-йилларига қадар интернет, ижтимоий тармоқ, интернет журналистикаси йўқ эди. Одамлар жаҳонда рўй берган воқеалардан, бир оз кечикиброқ бўлса-да, радио, телевидение ва босма нашрлар орқали хабардор бўлишарди. Кейин замон ўзгариб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларига замонавий технологиялар кириб келди. Шу боис бугун орамизда «Интернет асри бошланди, энди турли хабарларни ўқувчиларга иссиғида еткази олмайдиган босма нашрлардан воз кечиш керак», деб бонг ураётганлар ҳам топилади.

Ҳикмат

Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидур.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Биз эса уларга жавобан шундай дейимиз: «Тўғри, газеталарнинг кабутар қушдек оммага хабар етказадиган даври ўтди. Бу вазифани интернет ўз зиммасига олди. Демак, келгусида газеталар халқ ичига кириши, одамларни қийнаётган, катта-кичик ташкилот-идоралар раҳбарлари эътиборидан четда қолган масалаларни ёритиши, ижтимоий тармоқларда тилга олинмаган муаммолар ва воқеа-ҳодисалар билан оммани таништириб бориши зарур.

Сирасини айтганда, газеталар олдингидек «хабарчи» эмас, балки муаммоларни барта-раф этиш воситаси бўлиши, халқ минбарига айланиши шарт. Бундан ташқари, улар бўш вақтни унумли ўтказиш, тўғри ва ишончли ахборотларга эга бўлиш, билим олиб, дунёқарашини бойитиш учун ҳам керак».

ШЕРЛОК ХОЛМС ВА ПУАРО ХАМ ГАЗЕТА ЎҚИГАНМИ?

Сиз жуда кўпчилик яхши биладиган бу машҳур изкуварлар тўғрисидаги бадиий фильмларни кўрганмисиз? Кўрган бўлсангиз, Шерлок Холмс креслода тебраниб ўтириб, Пуаро кўзойнагини тақиб олиб, газета мутолаа қилаётганига эътибор берганмисиз? Эҳтимол, «Улар тўқима образлар, ўқиса-ўқибди-да», дерсиз. Гапингиз тўғри бўлиши мумкин, лекин ўша қаҳрамонларни яратган таниқли ёзувчилар Агата Кристи ва Артур Конан Дойл газетани севиб ўқишмаганида, уни қаҳрамонлари қўлига тутқазиб қўймаган бўлишарди.

ҲАР ТОНГНИ У БИЛАН ҚАРШИ ОЛАЙЛИК

«Ишонч» газетасининг 2022 йил 21 апрелдаги сонидан чоп этилган «Газета нега керак?» сарлавҳали мақола муаллифи Хусан Эрматов «Мен ҳар тонгни «тирик» газета ўқиб бошлашни одат қилганман. Бу — менинг эҳтиёмим!» деб ёзган. Бу ҳавас қилса ва ўрнат олса арзийдиган одат. Ахир, янги кунимизни босмаҳондан ақиндагина чиққан, ҳали бўёқ ҳиди анқиб турган газета ўқиш билан бошласак, қандай яхши...  
Муаллиф «тирик» газета деганда, албатта,

Алишер ТОИРОВ